
ГЕРМАНИЯНИНГ “КНАУФ” КОМПАНИЯСИ ҲАММУАССИСИ НИКОЛАУС КНАУФ ФАРҶОНАГА КЕЛИБ, ЎЗБЕКИСТОН ТУМАНИДА БАРПО ЭТИЛАЁТГАН, УМУМИЙ ЛОЙИҲА ҚИЙМАТИ 20 МИЛЛИОН ЕВРО БЎЛГАН ГИПСКАРТОН ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ БИЛАН ТАНИШДИ

Германиянинг “Кнауф” компанияси ҳаммуассиси Николаус Кнауф бугун Фарғонага келди. Фарғона халқаро аэропортида Кнауф ва унинг ҳамроҳлигидаги делегацияни вилоят ҳокимининг ўринбосари Иқболжон Эргашев кутиб олди.

Николаус Кнауф дунёнинг 90 мамлакатда 225 та ишлаб чиқариш корхонасига эга бўлган, йиллик айланмаси 6,4 миллиард долларга тенг “Кнауф” компаниясининг икки асосчисидан бири – Альфонс Кнауфнинг ўғли ҳамда компаниянинг энг йирик ҳиссадорлардан биридир.

Николаус Кнауфга вилоятимизга ташрифи чоғида қизи Ангелика Верхан, шунингдек, Германия-Ўзбекистон ишбилармонлари кенгаши ҳамраиси, “Кнауф” гуруҳи бошқарув раиси Манфред Грундке, “Кнауф” гуруҳи бошқарувчиси Уве Кноцер, компаниянинг техника ва ишлаб чиқариш бўйича раҳбари Антон Петер, Шарқий Европа ва МДХ давлатлари бўйича бошқарувчи Янис Краулис, МДХ давлатлари ҳудудида компания ҳиссадорларининг ваколатли вакили Александр Блюмгардт ҳамда “Кнауф”нинг Ўзбекистондаги корхоналари раҳбари Дмитрий Дерипалко ҳамроҳлик қилдилар.

Меҳмонлар вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров билан бирга Ўзбекистон туманининг “Шўрсув” ҳудудида барпо этилаётган, умумий лойиҳа қиймати 20 миллион евро бўлган ва йиллик 17 миллион квадрат метр гипскартон листлари ҳамда 40 минг тонна гипс асосидаги қуруқ қурилиш қоришмалари ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган “Knauf gips Farg’ona” корхонасини бориб кўрдилар. Корхонада қурилиш ишлари яқунланиб, замонавий ишлаб чиқариш линияларини ўрнатиш яқунланмоқда. Декабрь ойида тест режимида дастгоҳларни ишга тушириш, келгуси 2022 йил февраль ойида эса фойланишга топшириш режалаштирилган.

Вилоят ҳокими, ҳурматли меҳмонни Фарғонада қутлар экан, унинг Ўзбекистон ва Германия иқтисодий ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришдаги улкан хизматларини, мамлакатимизда қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни ривожлантириш, соҳага илғор технологияларни жорий этишдаги ҳиссасини юқори эътироф этди.

Хайрулло Бозоров ва Николаус Кнауф биргаликда корхонани кўздан кечиришди, ишлаб чиқариш линиялари ҳамда ўрнатилган дастгоҳлар билан танишишди. “Knauf gips Farg’ona” фойдаланишга топширилгач, келгуси босқичда уни кенгайтириш ҳамда ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш имкониятлари муҳокама қилинди.

Ушбу корхонанинг қурилиш-монтаж ишларига маҳаллий пудратчилар жалб қилинган. Корхонага ҳозирнинг ўзида 40 дан ортиқ маҳаллий ёшлар доимий ишга қабул қилиниб, улар корхона фойдаланишга топширилгунга қадар “Knauf gips Vuxoro” заводида тажриба ўрганишмоқда.